

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил апрель ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, видеоконференц-алоқа режимида, шу суднинг раиси Ж.Жуманиёзовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ғайибовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хива шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Саидов, судланувчи Ж.С ва унинг ҳимоячиси “**HUQUQ-URGANCH**” адвокатлик бюроси адвокати Д.Машарипов, судланувчи Д.А ва унинг ҳимоячиси “**TARAFDOR KAZAKOV**” адвокатлик бюроси адвокати А.Казаковларнинг иштирокида, С Ж Ў ва А Д Шларга нисбатан 1-2212-2501/00-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

### С Ж Ў

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан

### А Д Ш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи С Ж Ў, Хива қишлоқ хўжалик техникумининг ишлаб чиқариш таълими директори ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, жиноят содир қилиш йўлига кириб, ғараз ва паст ниятларни кўзлаб, Хива шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг кўкаламзорлаштириш ишчиси лавозимида ишловчи Д.Ш.А билан олдиндан тил бириктириб, ариза муаллифи Ш.Анинг ишончига кириб, унга ўзининг Хоразм вилояти ИИБ ЙҚХБда юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали вилоят ИИБ ЙҚХБда “В” тоифасидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Хоразм вилояти бошқармасида тракторчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун бўладиган имтиҳондан ўтказишга амалий ёрдам беришларини ваъда қилиб, эвазига шу пайтда ўзбек сўмига нисбатан қиймати 9 млн. 682 минг 500 сўмни ташкил қилган 750 АҚШ доллари ва 7 млн. сўм пулларни беришини айтиб, пора беришга далолат қилиб, 2025 йил 31 январь куни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан Ш.Адан олдиндан келишилган 750 АҚШ доллари ва 7 млн. сўмдан кимёвий ишлов берилган 16 млн. 750 минг сўм пул маблағларини Хива шаҳардаги “З” қурилиш моллари савдо дўконининг ёнида олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган вақтида ҳуқуқни



муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганлиги натижасида содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказиб билмасдан, Ш.Анинг 16 млн. 750 минг сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан эгаллашга суиқасд қилган.

Суд муҳокамасида судланувчи Ж.С айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлашини ва бошқа кўшимчалари йўқлигини, дастлабки терговда ўз айбига ихтиёри тўлиқ иқрор эканлиги сабабли Хива шаҳар прокурори билан айбга иқрорлик келишув битими имзоланганлиги, ҳозирги кунда жиноят содир қилганлигини тўлиқ тан олишини, жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилган жиноятини мазмун-моҳиятини англаб етганлигини ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга қонун доирасида ёрдам беришни сўраган.

Суд муҳокамасида судланувчи Д.А айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлашини ва бошқа кўшимчалари йўқлигини, дастлабки терговда ўз айбига ихтиёри тўлиқ иқрор эканлиги сабабли Хива шаҳар прокурори билан айбга иқрорлик келишув битими имзоланганлиги, ҳозирги кунда жиноят содир қилганлигини тўлиқ тан олишини, жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилган жиноятини мазмун-моҳиятини англаб етганлигини ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга қонун доирасида ёрдам беришни сўраган.

Судланувчи Ж.Снинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, терговолди суриштирув даврида тўпланган ҳужжатлар, яъни фуқаро Ш.Анинг аризаси, дискни қабул қилиш, кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси, аризага пулларни ва овоз ёзиш мосламасини бериш баённомаси, кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомаси, овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш ва эшитиб кўриш баённомаси, Ж.Сни пушаймонлик аризаси, Хоразм вилоят ИИБ ЭКМнинг 18.02.2024 йилдаги №221-222-сонли хулосалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, ашёвий ва ёзма далиллар деб эътироф этиш қарори, айбланувчи Ж.С ва Д.Аларни келишув битими тузишни сўраб киритган илтимосномаси ва прокурорнинг 11.03.2025 йилдаги ушбу илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги қарори ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тасдиқланади.

Суд, судланувчининг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб;

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.С ва Д.Аларнинг айби, фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан, шунингдек, пора беришга далолатчилик қилишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон



Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судланувчи Ж.С ва Д.Алар 2025 йил 11 мартда прокурорга ёзма илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда ўз ҳаракатларининг моҳиятини, ўзлари берган илтимосноманинг оқибатини англаб етганлигини, илтимосномани ихтиёрий равишда бераётганлигини, тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслигини инобатга олиб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш юзасидан илтимоснома тақдим этишган.

Хива шаҳар прокурори томонидан 2025 йил 11 мартда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тергов органи томонидан таъминланиб, ЖПКнинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлиги инобатга олиниб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган.

Суд иш бўйича иш ҳужжатлари ва тўпланган далилларни муҳокама қилиб, судланувчи, прокурорнинг айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишда судланувчи Ж.С ва Д.Аларнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, ЖПК 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, судланувчи ўз ҳаракати моҳияти ва оқибатини англаб етиб, келишувни ихтиёрий равишда тузганликлари ва уни қўллаб-қувватлашларини, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, келишувни тасдиқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида,



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Судланувчи Ж.Сга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрорлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, содир қилинган жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолашни, шунингдек унинг содир этилган жиноятдаги ролини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, судланувчининг шахсини ҳамда иш бўйича жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, айбли топилаётган ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддаси талабидан келиб чиқиб тайинлашни, ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ушбу модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни, жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини жазо ижросини назорат қилувчи орган белгиланган жойга бориб, ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблашни ҳамда шу пайтдаги иш фаолиятдан фойдаланган ҳолда мазкур жиноятни содир қилганлигини эътиборга олиб, келгусида яна шу каби жиноятларни содир қилишини олдини олиш мақсадида, уни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Судланувчи Д.Ага нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрорлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, содир қилинган жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолашни, шунингдек унинг содир этилган жиноятдаги ролини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, судланувчининг шахсини ҳамда иш бўйича жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, айбли топилаётган ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддаси талабидан келиб чиқиб тайинлашни, ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ушбу модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни, жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда



ўтатиришни, жазони ўташ муддатини жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаган жойга бориб, ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблашни ҳамда шу пайтдаги иш фаолиятдан фойдаланган ҳолда мазкур жиноятни содир қилганлигини эътиборга олиб, келгусида яна шу каби жиноятларни содир қилишини олдини олиш мақсадида, уни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд, жиноят натижасида олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдири масаласини муҳокама қилиб:

- ашёвий далил деб эътироф қилиниб, 1 сўм қийматида “Микрокредитбанк” АТБ Хива БХМга топширилган 1 дона 50.000 сўм купюрадаги 50.000 ўзбек сўмини ва 1 дона 20.000 сўм купюрадаги 20.000 ўзбек сўмини мазкур ҳукм қонуний кучга киргач Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖКК Департаменти Хоразм вилояти бошқармасига тегишли тартибда қайтаришни;

- ашёвий далил деб эътироф қилиниб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона конвертда муҳрланган ҳолда сақланаётган ариза муаллифи Ш.Анинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқиган ҳужжатлари эгаси Ш.Ага тегишли тартибда қайтаришни;

- ашёвий далил деб эътироф қилиниб, конвертга муҳрланган ҳолда жиноят ишига қўшилган бинт тампонида олинган махсус кукун излари ва қалам намуналарини ушбу ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни;

- ашёвий далил деб эътироф қилинган жами 6 дона DVD+R дискларни жиноят ишига қўшилганини инобатга олишни ва жиноят иши билан бирга қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 586<sup>7</sup>-586<sup>8</sup>, 586<sup>10</sup>-моддаларини қўллаб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Ж.С билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

**С Ж Ў** Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга:

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат



даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш орқали судланувчи Ж.Сга узил-кесил 1 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини муддати маҳкумни жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Хива шаҳар ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи С Ж Ўга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Д.А билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

**А Д Ш** Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жинойтларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга:

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш орқали судланувчи Д.Ага узил-кесил 1 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини муддати маҳкумни жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Хива шаҳар ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи А Д Шга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф қилиниб, 1 сўм қийматида “Микрокредитбанк” АТБ Хива БХМга топширилган 1 дона 50.000 сўм купюрадаги 50.000 сўм ва 1 дона 20.000 сўм купюрадаги 20.000 ўзбек сўми Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Хоразм вилояти бошқармасига тегишли тартибда қайтарилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф қилиниб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона конвертда муҳрланган ҳолда сақланаётган ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқиган ҳужжатлар эгаси Ш.Атабаевга тилхат орқали қайтарилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф қилиниб, конвертга муҳрланган ҳолда жиноят ишига қўшилган бинт тампонига олинган махсус кукун излари ва қалам намуналари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф қилинган жами 6 дона DVD+R дисклар жиноят ишига қўшилгани инобатга олинсин ва жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи**

**Ж.Жуманиёзов**

